

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 173 (1499), 2025 йил 24 август, якшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН БИР ГУРУҲ МАРҲУМ ОЛИМ ВА ИЖОДКОРЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Инсон қадрини улуғлаш, аждодлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ибратли ишларини кенг тарғиб этиш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатларимизни янада кучайтириш мақсадида ўзининг кўп йиллик самарали илмий-ижодий, ижтимоий фаолияти, ёрқин ва бетакрор истеъдоди билан халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, миллий маънавиятимизни бойитиш, мамлакатимизда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, жамиятимизда эзгулик ва адолат, ватанпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона хизмат қилиб, авлодларга қолдирган бой мероси, сермазмун ҳаёти ва инсоний фазилатлари билан эл-юрт хотирасидан чуқур жой эгаллаган қўидаги марҳум олим ва ижодкорлар мукофотлансин:

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Арипов Уктам — Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик, жарроҳ олим
Ғафуров Вали — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб
Жалолов Тўхтасин — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос олим, таржимон
Кабулов Васил Кабулович — Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик, кибернетик олим
Қосимов Беғали — Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, жадидшунос олим
Муҳамедов Қуддус (Қуддус Муҳаммадий) — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири
Парфиев Турсунали (Рауф Парфи) — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири
Раджапов Мурад Ядгарович — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 23 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, кенг қамровли илмий-ижодий ва амалий фаолияти билан халқимизнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизда илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

“Олий Даражали Имом Бухорий” ордени билан

Холиқназар Нуриддин Мирзаҳамдам ўғли — Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

“Имом Бухорий” ордени билан

Абдуллаев Абдулҳай Болтабоевич — Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси доценти
Абдуллаев Хайрулла Ибодуллаевич — Хоразм вилояти бош имом-хатиби
Алимов Мирзамахсуд Хатамбекович — Андижон вилояти бош имом-хатиби
Сайфудинов Раҳматулла Хабибулаевич — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани “Минор” масжиди имом-хатиби
Юнусов Абдуқоххор Рихсибаевич — Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

“Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвони билан

Мирҳадиев Карим Хусанович — Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, кино ва театр актёри
Раметова Саида Ходжиевна — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри
Сайидов Тохир Самандарович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

“Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми” фахрий унвони билан

Байбосинов Сарсенбай Базарбаевич — Ж.Изентаев номидаги Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати рангтавсир фани ўқитувчиси, рангтавсирчи рассом

“Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” фахрий унвони билан

Генжемуратов Бахтияр Алламбергенович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон

“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони билан

Нарматов Ферузбек Рузимбаевич — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ўқитувчиси, бахши

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони билан

Ахмедова Зарина Ахмедовна — Ўзбекистон давлат филармонияси “Наврўз” ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари, балетмейстер
Бердиев Илхомбек Юлдашевич — Ўзбекистон давлат драма театри актёри
Пазилджанов Жаҳонгир Гайратович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси
Рузметов Отабек Авазатович — Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлини маси балет артисти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Ходжаев Аблат — Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим бошлиғи
Шералиева Татьяна Тургуновна — Фарғона вилояти инновацион маданият маркази директори

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан

Бўтаева Фарида Кузиевна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоира
Назарбеков Озодбек Аҳмадович — Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони билан

Эрматов Хусан Тоҳирович — “Ishonch” ва “Ishonch-Doverie” газеталари бош муҳаррири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Власова Лилия Вильдановна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийи
Достанов Алимардон Махмур ўғли — Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг бокс бўлими мураббийи, Тошкент вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони билан

Икромова Тахмина Изатуллоевна — Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони билан

Ақбаров Миршавкат Миралимович — Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг гепатобилиар жарроҳлик ва трансплантология бўлими раҳбари, жарроҳ

► Давоми 2-бетда

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЁТГАН ТАЯНЧЛАР

ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар соат барчамизни эркимиз, фахру ғуруримиз, бахту қувончимиз асоси бўлган давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига тобора яқинлаштирмоқда. Ҳар бир юрдошимиз юраги “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!”, деб ураётган мана шундай фараҳбахш кунларда, ўз навбатида, байрамона шукуҳга мос янгилинишлар ҳам кўп бўлаётгани диққатга сазовор.



Жумладан, жорий йил 20 август кунини Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказилган навбатдаги очиқ мулоқотида тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган 15 мингта муносабатда кўтарилган тизимли муаммоларнинг ечими юзасидан устувор вазифалар белгиланди. Ўз навбатида, шу куннинг ўзида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

► Давоми 3-бетда

ЯНА 16 ТА ДАВЛАТГА ЭКСПОРТ

ДУНЁ БОЗОРИДА “ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛГАН”
ДЕГАН БРЕНД ОММАЛАШМОҚДА



4



ЗИЁ ВА ЗИЁН ЧЕГАРАСИДАГИ ТАНЛОВ

ЁХУД КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ
ХУСУСИДАГИ ЎЙЛАР

Ҳозир айтидиган гапимдан кейин юзингизга истеҳзо югуриши тайин. Эҳтимол ишонмасиз, болалигимда Алишер Навоийнинг отасини росмана ёмон кўриб қолганман. Эсимда, ўша пайтлар ҳали бошланғич синф ўқувчиси эдим. Кечки пайт хонтахта устида хира липилаб турган шамчиноқ атрофида тизилиб ўтирганча биз — ака-укалар дарс тайёрлаётгандик. Шу вақт катта акам ўз одатига навбати билан эртанги дарсларимиз юзасидан савол-жавобни бошлаб юборди.

Айнан ўша савол-жавоблар маҳали Навоий бобомизнинг отаси унинг яхши кўрган китобини тортиб олиб, яшириб қўйгани ҳақида эшитдим. Ҳаёлимда бирдан кўрс ва баджаҳл, болалик тасаввуримда

ёвуз бир қиёфа шаклланди. Энди бошқа гап-сўзлар қўлғимга чалинмас, ўй-фикрим аллақачон қадимги Ҳирот кўчаларида тенгираб юрарди...

► Давоми 6-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Фидокорона хизматлари учун”
ордени билан

Рузихунов Раҳматжон Турсунович — Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийи
Ташматов Мамурджан Ганиевич — Ўзбекистон давлат филармонияси, Давлат джаз оркестри бадийи раҳбари

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдуллаев Насрулла Джалилович — Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти директори ўринбосари
Ақбарова Фарида Шарахимова — Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси тасарруфидagi “Бўстон санаторийси” масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти
Аскарлов Ибрагим Раҳматович — Андижон давлат университети кимё кафедраси профессори
Атаханова Хакимахон — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри етакчи сахна устаси
Ботиров Низомидин Файзуллаевич — Тошкент вилояти Оққўрғон тумани 8-сон умумий ўрта таълим мактаби директори
Раҳманов Ваҳоб — Гулистон давлат университетининг Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, Сирдарё вилояти
Раҳматов Мирвахит Мирахматович — Ўзбекистон Бадийи ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчор уста, Тошкент шахри
Саатов Талғат — Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Биофизика ва биокимё институти лаборатория мудири
Тожиев Килич Мусахонович — Олтиариқ туманидаги 14-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, хонанда, Фарғона вилояти
Халмедов Мирзатилла Нигматович — Ўзбекистон давлат сатира театри директори, бадийи сўз устаси

“Дўстлик” ордени билан

Абдуллаев Режаббой Тўраевич — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, дўппидўз, Андижон вилояти
Ақбаров Абдулла Махсумалиевич — Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри артисти, бадийи сўз устаси, Фарғона вилояти
Арзуова Набийра — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Қорақалпоғистон Республикаси
Баймуратова Ирина Викторовна — Ангрен шаҳридаги 21-сон умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти
Барашева Светлана Мухтаровна — Самарқанд вилояти рус драма театри олий тоифали артисти
Бегматов Хайриддин Холиқулович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Самарқанд вилояти
Бойназаров Фарход Эркинович — Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри бош режиссёри
Борчанинов Кирилл Валерьевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти
Буваев Вахобжон Содиқович — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, кулол, Наманган вилояти
Джураев Эркин Зайниевич — Ўзбекистон Бадийи ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвиричи
Йўлдошев Шухрат Темирович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

Кудайназаров Амангелди Андарбекович — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри сахналаштирувчи режиссёри, Қорақалпоғистон Республикаси
Курбонov Шукружон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир
Латипов Азизхон Гайбуллаевич — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти
Махкамов Бахтияр Мирҳодиевич — Ўзбекистон Бадийи ижодкорлар уюшмаси аъзоси, дасттохли рангтасвиричи расом
Махкамов Тохир Турғунович — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси Фарғона вилояти бўлими хонандаси
Мустафоев Суяндик — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи
Мухамедов Давлат Кадилович — Хоразм вилояти “Al-Amal Ijod” хусусий корхонаси ганч ўймакор устаси

Мухтаров Ильдар Асқадович — Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти бош илмий ходими
Омар-Мун Ясмина Халидовна — Учтепа туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, хонанда, Тошкент шахри
Ражабова Юлдуз Шамшиддиновна — театр ва кино актрисаси
Султанов Аллаберган Дурдиевич — Хоразм вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонасининг китобларни сақлаш бўлими мудири
Таджимуратова Улжан Турдимуратовна — Тошкент шахри Олий спорт маҳорати мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи
Тараскин Александр Андреевич — Тошкент шаҳридаги “Smart school” нодавлат таълим муассасасининг биология фани ўқитувчиси
Тургунов Тохир Мирхасимович — Ўзбек Миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли олий тоифали артист-созандаси
Усмонов Ахроржон Холматович — Ўзбекистон давлат филармонияси хонандаси
Хажо Ақбар Айс — Шинжон тиббиёт университети ректори, Хитой Фанлар академияси Шинжон физик-кимёвий техника институтининг академик директор ўринбосари
Хаметов Рустам Рауфович — “Ўзбекцирк” давлат муассасаси директори ўринбосари, цирк артисти
Хамраева Надира Михайловна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти
Холматова Уғулой Султоновна — Бекобод тумани маданият бўлимининг “Нилуфар” фольклор мактаби бадийи раҳбари, Тошкент вилояти
Холмирзаев Боир Мирзаалиевич — Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, кино-актёр
Хусанов Мирабзал Заирович — Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, бастакор
Хусанова Нигора Кахрамонжоновна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг махсус фортепиано кафедраси катта ўқитувчиси
Эргашева Барно Бахтияровна — “Томоша” болалар мусиқий театр-студияси бош балетмейстери
Юлдашева Лола Равшанбековна — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

II даражали “Саломатлик”
ордени билан

Ахмедов Холиёр Эргашевич — Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали 1-сон жарроҳлик бўлими шифокор-жарроҳи

Дадаев Хуршид Хамиджанович — Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий марказининг нейророжароҳлик жонлантириш бўлими мудири
Жанабаев Бахтиёр Базарбаевич — Тошкент давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси бўлим мудири
Машарипов Қадамбай — Урганч давлат тиббиёт институтининг нефрология, гемодиализ, травматология ва ортопедия кафедраси доценти, Хоразм вилояти
Мирзаева Захида Джураевна — Олмazor туманидаги 15-сон оилавий поликлиникаси ҳамшираси, Тошкент шахри
Содиқова Насиба Ахмадовна — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Навоий вилояти филиали Хатирчи тумани тез тиббий ёрдам станцияси навбатчи фельдшери
Яриев Алихон Равшанович — Гулистон шаҳридаги “Равшан доволаш маскани” хусусий клиникаси жарроҳи, Сирдарё вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун”
ордени билан

Ёдгоров Завқиддин Расулович — Бухоро вилояти кўнграқ театри бош рассоми
Ёқубова Халима Жўраевна — Муборак туманидаги “Шейх” оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Қашқадарё вилояти
Кадиоров Рамз Тўрабович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти
Маннопова Ойдинхон Султоналиевна — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети академик лицейининг ижрочи директори
Пирматова Нодира Йигиталиевна — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом хонандалиги кафедраси мудири, хонанда
Суяркулов Шерали Рустамбекович — Фарғона давлат университетининг аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ва доривор ўсимликлар кафедраси катта ўқитувчиси
Тешабаев Тулкин Закирович — Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори
Тоғаева Гуландом Жумаевна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Тошкент вилояти
Халикова Мухаббат Шадиевна — Термиз шаҳридаги 2-сон оилавий болалар уйи раҳбари, Сурхондарё вилояти

“Соғлом турмуш” медали билан

Абдуванитова Лариса Аминджановна — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-сон марказий клиник шифохонаси бош ҳамшираси
Қутбиддинова Наима Абдуқайимовна — Уйчи туманидаги “Ёрқатай” оилавий шифокорлик пункти тиббий бригадаси дояси, Наманган вилояти
Сафарова Гулжаҳон Сафаровна — Оқдарё туманидаги “Узун” оилавий шифокорлик пункти мудири, Самарқанд вилояти

“Келажак бунёдкори” медали билан

Дўсматова Муштарий Йигиталиевна — Ўзбекистон давлат филармонияси “Шодлик” ансамбли балет артисти
Камалходжаева Шукронахон Ахмадилло қизи — Муқаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли балет артисти
Косимова Ирода Жохонгир қизи — “Дийдор” ёшлар экспериментал театр-студияси артисти
Матвеева Дарина Сергеевна — “Ўзбекцирк” давлат муассасаси олий тоифали артисти

Норов Ферузбек Иzzатуллоевич — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли мақомчиси
Нурматова Шохидахон Урмонжон қизи — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти
Пиязов Ақилбек Буркит ули — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти
Сарсенбаева Инкар Алписбаевна — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актрисаси
Элмуродзода Улуғбек Ахмаджон ўғли — Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри олий тоифали артист-мақомчиси, Фарғона вилояти

“Шухрат” медали билан

Абдуллаев Равшан Ўктамович — Янгиобод туманидаги 3-сон умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти
Абдуллаев Расулжон Рустамжон ўғли — Ўзбекистон давлат филармониясининг давлат хор капелласи олий тоифали хор артисти
Абдурахимов Фахриддин Садикович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Mahalla” телерадиоканали радио лойиҳалар муҳаррирлari бош муҳаррири
Абсаматов Мухиддин Исматович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир
Акрамов Махаммадйё Равшанбек ўғли — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси
Ахмедова Насиба Сейдахметовна — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, ўйинчоқлар ясовчи уста, Тошкент шахри
Бахромова Дилноза Эшмирзаевна — Самарқанд вилояти Яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби парадзюдо бўйича мураббийи
Бекметов Болтабой — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон, Хоразм вилояти
Вансов Мансурбек Эгамбергенович — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом хонандалиги кафедраси катта ўқитувчиси
Валатина Виктория Сергеевна — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Муножот” рақс ансамбли балет артисти
Ғайбуллаев Ғулom Сайдалимович — Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтининг агробиология факультети декани
Гулмуротов Дилмурод Сайитмуротович — Гулистон туманидаги 2-сон болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси, Сирдарё вилояти
Ғулмонов Қахрамон Рустамжон ўғли — “Хавас” оилавий гуруҳи хонандаси, Тошкент шахри
Джорабоева Дилфузахон Мамунджановна — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Шодлик” ансамбли бош балетмейстери
Досмухамедов Тахирджан Джураевич — Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг ижодий бўлими бошлиғи, театршунос
Жумаев Турғун Пўлатбоевич — Навоий вилояти кўнграқ театри артисти
Имомова Шахрибону Комиловна — “Тулистон” ва “Театр” журналлари бирлашган тахририяти бош муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 23 август

Каттабобоев Шерзод Мухиддинович — Сирдарё вилояти мусиқали драма театри олий тоифали драма артисти
Махмудова Нодиржон Кабилджанович — “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти катта муҳбири
Махмудова Фарангиз Нуридин қизи — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом чолгу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси, созанда
Мирзаев Дилмурод Валижонович — Ўзбекистон давлат филармониясининг миллий карнай-сурнай гуруҳи бадийи раҳбари
Мирзаева Камила Бахтиёр қизи — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Наврўз” ансамбли балет артисти
Мунинов Лочинбек Нуриддин ўғли — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти
Мусабеков Дилшод Комилбекович — “Dizayn PRO” масъулияти чекланган жамияти актёри, Тошкент шахри
Мухамеджанов Гуламжон Ибрагимович — Муқаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли артист-созандаси
Набиев Абдурауфбек Абдуразоқ ўғли — “Rapid Company” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, режиссёр, Тошкент шахри
Ражабов Хайрило Садиловчи — Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг диагностика бўлими шифокори
Раимкулов Азамат Кенжебаевич — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти
Рахмонова Гуласал Итолмасовна — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти
Рахмонова Гузал Шавкатовна — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти
Сайбулханов Зафарбек Обиджанович — Андижон вилояти мусиқали драма театри актёри
Сейтхалилова Мафтуна Ахатовна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг “Тумор” ансамбли балет артисти
Тошев Давлат Бўронович — Ўзбекистон Бадийи ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрachi расом
Тугалов Ботир Бахромович — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри директори
Умаров Мирзаюнус Джураевич — Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймаkori, Фарғона вилояти
Ҳамдаматова Одинахон Араббой қизи — Паравелоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Ҳайдаров Илҳомжон Эргаш ўғли — “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” давлат унитар корхонаси режиссёри
Чориев Нурилла Ортиқович — “Ёшлик” журнали бош муҳаррири, ёзувчи
Шарипов Андрей Мирсамеевич — Ўзбекистон триатлон федерацияси спортчиси
Элниева Дилдора Анаваровна — Жондор туманидаги 4-сон мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Бухоро вилояти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Муносабат

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, даромади ва фаровонлигини оширишга стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи асосида шахар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни яхшилаш билан боғлиқ илгари суриладиган тақлиф ва ғоялар, шу асосда қабул қилинаётган чора-тадбирлар ислохотларга янада шиддат бағишляпти.

Шу асосда вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб дастур ва лойиҳалар амалга ошириляпти. Жорий йилга мўлжалланган давлат дастури доирасида мазкур жабҳадаги ишлар янада кенгаймоқда. Хусусан, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация даражасини

“ИСЛОҲОТЛАР ШТАБИ” ИМКОНияТЛАРНИ НАТИЖАГА АЙЛАНТИРУВЧИ КУЧ

оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгарттириш, халқимизнинг ҳаёт тарзига ижобий таъсир этмоқда.

Бу борада Бухоро вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Сўнгги йилларда вилоятда 6000 та янги sanoat корхонаси ишга туширилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда. Ишсизлик ва камбағаллик даражаси камайиб боряпти.

Яқинда Президентимиз раислигида Бухоро вилоятида ислохотлар натижадорлиғи ва янги лойиҳалар мухокамаси юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда ушбу ўзгаришлар самараси таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди.

Юртимизнинг кўплаб ҳудудлари каби Бухоро вилояти иқтисодиёти ҳам яқин-яқингача санокли тармоқлар билан чекланган эди. Бу аҳоли даромади ва турмуш тарзига таъсир ўтказмай қолмасди. Ушбу муаммоларга ечим топиш ва ҳудудлар ривожини таъминлаш мақсадида барча соҳада янгича ёндашувлар жорий этилмоқда.

Жумладан, жаҳон иқтисодиётидаги илгор тажрибаларга кўра, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни қадаллаштириш мақсадида жойларда эркин иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналари

фаолияти йўлга қўйилди. Шу билан бирга, ўзига хос ёндашувлардан келиб чиқиб, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” лойиҳалари ҳаётга тағбиқ этиляпти.

Ғақат давлат бюджети маблағи ва банк кредити ҳисобидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш мушкул. Шу боис, бу борада хусусий секторнинг ижтимоий масъулиятини ошириш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиғи асосидаги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Бундай хайрли ишлар ҳудудларнинг қиёфасини замонавийлаштириш, юртимиздаги янгилашнилардан халқимизнинг баҳрамандлигини оширишда айна мудабо бўлмоқда. Табиийки, тараққиётнинг янгича нафаси тўфайли чирой очётган манзиллар халқимизнинг ҳаётига маъно-мазмун олиб кириши баробарида жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатимизга қизиқишини ҳам оширмоқда. Бу, айниқса, юртимизнинг инвестициявий жобабдорлигини таъминлашда муҳим омил бўляпти. Мисол учун, сўнгги саккиз йилда биргина Бухоро вилоятида 8 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб этилган. Бу имконият иқтисодиёт таркибининг кенгайтириш, ўз навбатида, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6 баробардан зиёд ошди.

Президентимизнинг 2024 йил 5 декабрдаги тегишли қарори эса вилоятда sanoat ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришда муҳим асос бўлмоқда. Натижада жорий йилнинг 6 ойида sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,3 фоиз ошди. 198 та янги sanoat корхонаси ташкил этилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,4 фоиз ўсди. Давлатимиз раҳбари ташаббусига мувофиқ тузилган “Ислохотлар штаби” Бухорода ҳам қўшимча имкониятларни юзага чиқармоқда. — Йиғилишда турли тармоқларда эришиляётган натижалар баробарида хали фойдаланилмай турган имкониятлар ҳам борлиғи кўрсатиб ўтилди, — дейди Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов. — Бу вазифаларни бажариш учун эътибор қаратишимиз лозим бўлган устувор йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ўз вақтида бажарилиши доимий назоратда бўлады. Қолаверса, хорижий инвестицияларни кўпайтириш бўйича ишлар тизимли йўлга қўйилди. Ушбу йўналишда ўтган йили 1 миллиард доллар маблағ жалб этилган бўлса, бу йил 3 миллиард доллар чет эл сармояси киритилиши кўзлялгиз.

Бундай лойиҳалар ҳисобига иқтисодиётимизга илгари умуман бўлмаган янги соҳалар кириб келяпти. Электротехника,

нефть-кимё, машинасозлик бўйича янги, йирик лойиҳаларни амалга оширишга киришилди. Қолаверса, ичимлик сув таъминотини яхшилаш, йўл ва транспорт тизимларини ривожлантириш бўйича дадил қадамлар қўйилляпти.

Тадқимотда бундай хайрли ишлар тақомиллаштирилиб, аҳоли ва тадбиркорлар фаолиятини енгиллаштириш, хизматлар сифатини ошириш бўйича қатор янги тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, “Рақамли ҳокимият” ахборот тизимини жорий этиш вазифаси белгилаб берилди. Табиийки, бу ишлар ҳудудни янада ривожлантириш орқали халқимизнинг бугундан розилигини таъминлашга замин яратади.

Дунё тажрибаси туризм иқтисодиётининг энг жадал ривожлантаётган соҳаларидан бири эканини кўрсатмоқда. Сайёҳликни ривожлантириш аксарият мамлакатлар учун илгари даромадни диверсификация қилиш, халқаро майдондаги нуфузни мустаҳкамлаш ва ижтимоий тараққиётни рағбатлантиришнинг муҳим воситасига айланмоқда. Туризм ривожини хорижий валюта оқимини кўпайтириш, аҳоли бандлигини ошириш ҳамда кичик ва ўрта бизнес кенгайиши ҳисобига ялпи ички маҳсулот ўсмишига хизмат қилады.

Бугун Бухоро вилоятида иқтисодий тараққиётни юксалтиришда ана шу ноёб

имкониятдан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ҳудуднинг туризм инфратузилмаси яхшиланяпти, янги масканлар ташкил этилди. Нуфузли меҳмонхона брендлари кириб келди. Йиллик сайёҳлар сонин 1 миллион 700 мингга етди. Аммо бу борада хали ишга солинадиган имкониятлар ҳам кўп. Хусусан, ҳудудда қатор қадимий ва машҳур зиёратгоҳлар бўлса-да, сайёҳларни кўп вақт олиб қоладиган йирик мажмуалар йўқ. Бу борада хорижий инвесторларни жалб этиб, савдо ва кўнғилочар масканлар барпо этиш зарурлиғи кўрсатиб ўтилди.

— Юртимизда кейинги йилларда амалга ошириляётган очиклик сисёсати ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўғайли ҳудудларда туризм ва сервис инфратузилмаси жуда тез ривожлантапти, — дейди Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Ботир Шахриёров. — Жумладан, вилоятимизда бу жабҳадаги кенг қамровли дастурлар, инфратузилма шароити яхшиланяши натижасида сайёҳлар кўпаймоқда. Жорий йил ҳам бу ишлар давом эттирилиб, 6 та янги, замонавий меҳмонхона куриляпти. Натижада йил охиригача 3000 дан кўпроқ ўринга эга жойлаштириш воситаси ишга туширилади. Бу сайёҳлик фаолияти кенгайиши ва янги иш ўринлари очилишида ана бир имконият бўлады.

Йиғилишда бундай лойиҳаларни кенгайтириш бўйича тегишли топириқлар берилди. Ушбу вазифалар ўз вақтида бажарилиши вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатини оширишга хизмат қилады.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Фармонда белгиланган асосий вазифалардан олдин бир жиҳатни таъкидлашни истардим. Яъни мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, замон талабларига мос инфратузилма, қулай инвестиция муҳити яратиш борасидаги ислохотлар самарасида бугунги кунда бундан 7-8 йил олдингига нисбатан мутлақо бошқа бизнес муҳити шаклланди. Тарихан жуда қисқа давр — кейинги саккиз йилда иқтисодийётимиз ҳамми 71 физизга ўсгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, барча ислохотларимиз негизда, энг аввало, инсон қадрини, тадбиркорларимизнинг манфаатлари ётибди.

Бевосита фармонга қайтадиган бўлсак, ҳужжатда тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида банк, солиқ ва бошқа соҳалар билан бирга суд-ҳуқуқ тизимида ҳам тегишли ислохотлар амалга оширилиши белгиланди. Хусусан, Олий суд Бизнес-омбудсман билан биргаликда 2025 йил якунига қадар тадбиркорлик субъектларига иқтисодий ва маъмурий судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилиш имкониятини яратиш бўйича қонун лойиҳасини киритиши тўғрисида тегишли вазифа қўйилди.

Шу ўринда “Судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилиш ўзи нима? Ундан қандай ижобий натижа кутиш мумкин?” деган савол туғилиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 32-моддасига кўра, фуқаро ёки юридик

шахснинг аризаси (шикоят) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойин бўйича судга тақдим этилади.

Судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилишда эса, ариза (шикоят) маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойин бўйича судга эмас, исталган ҳудуддаги судга тақдим этилиши мумкин бўлади. Судларга бундай мурожаат қилиш тартибин амалдаги процессуал кодексларимизда мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу, албатта, суд тизимидаги янги амалиёт ҳисобланади.

Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, Қозоғистон Республикасининг 2021 йил 20 декабрдаги тегишли қонунига асосан Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига экстерриториал судловга тегишлилик тушунчаси киритилган. Кодекснинг 32-моддасига кўра, тарафлар ўзаро келишувга биноан мазкур иш учун экстерриториал судловга тегишлиликни танлаши мумкин. Ўшбу нормани амалга



“Инсон қадрини улуғлаш, юртдошларимиз ва тадбиркорларга янада қулай шароит яратиш мақсадида судлар фаолияти билан боғлиқ 2 та фармон қабул қилинди. Президентимизнинг “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони шулардан бири.

ошириш мақсадида Қозоғистон Республикаси Олий суди томонидан ишларни экстерриториал судловга тегишлилик бўйича тақсимлашнинг алгоритми (тартиби, қондалари) ишлаб чиқилган. Унга кўра, фуқаролик иши электрон ахборот тизимининг автоматик тақсимлашига қўйилади ва шу қуниинг ўзида ахборот тизими танланган судга юборилади.

Аслида, экстерриториал тамойили юртдошларимиз, шу жумладан, тадбиркорларимиз учун бегона жумла эмас. Чунки Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан давлат хизматлари қўрсатиш тизимида бир қатор янгилıklar, жумладан, экстерриториал тамойили амалиётга жорий қилинди.

Яъни 2021 йил 1 июндан бошлаб фуқаролар доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар туғилиш, никоҳ, ўлим ва никоҳдан ажратишни қайд этиш бўйича исталган ФХДЁ бўлимига мурожаат қилиши мумкин бўлди.

Судларга экстерриториал тартибда мурожаат қилиш тартибининг жорий этилиши тадбиркорлик субъектларига нисбатан афзалликлар олиб келиши билан бирга, суд тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, судларга ишонч ортиши, ишни қўраётган судьяга нисбатан ҳар хил шубҳа-гуомолар бўлмаслиги, ишлар тенг тақсимланиб, иш юкламаси юқори бўлган судларнинг иш юкламаси камайишига олиб келади.

Энди сўзимиз аввалдаги байрам шуқуҳи масаласига қайтсак. Зеро, юқорида шу кунларда байрамона шуқуҳга мос янгиланишлар кўп бўлаётганини бежиз ургуламадик.

Дарҳақиқат, инсон қадрини улуғлаш, юртдошларимиз ва тадбиркорларга янада қулай шароит яратиш мақсадида судлар фаолияти билан боғлиқ 2 та фармон қабул қилинди. Президентимизнинг “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони шулардан бири.

Аввало, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилгани, кейинги йилларда бу борада салмоқли натижаларга эришилаётганини таъкидлаш мақсада мувофиқ, Бирок суд амалиётида бир қатор муаммолар ҳам мавжудки, улар аҳолининг суд тизимидан фойдаланишда бир қатор тўсиқларга дуч келишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, биринчидан, суд ишларининг кўпичча узокқа қўзилиши, қарорларнинг кечикиши ва маълумотларнинг шаффоф ёқилиши аҳолининг суд тизимига ишончини пасайтиради.

Иккинчидан, суд жараёниларида иштирок этишнинг аънавий усуллари сақланиб қолгани, бу фуқаролар вақти ва имкониятининг ортиқча сарфланишига олиб келади.

Масалан, суд мажлисларига шахсан келиш, узок навбатларда кутиш ва мураккаб расмийчиликлардан ўттиш оддий фуқаролар учун катта оворагарчилик тўғрисида. Бу муаммолар нафақат фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини кескайди, балки уларнинг давлат институтига бўлган ишончини ҳам камайтиради.

МИЛЛИЙ, РАҚАМЛАШГАН ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА АСОСЛАНГАН СУД ТИЗИМИ

Инсоннинг адолатли суд муҳокамасига мурожаат қилиш ҳуқуқи умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида “Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбонинг қанчалик даражада асосли эканини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошқора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга” деб белгилаб қўйилган.

Адолатли суд муҳокамасидан фойдаланиш ҳуқуқини инсон ҳуқуқлари ҳимоясига бевосита дахлдор экан, уни амалда таъминлаш давлат органларининг асосий вазифаларидандир.

Суд одил судловнинг олий нуқтаси бўлиб, унинг мавқеини ошириш эса ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Айнан шундай ёндашув туфайли мамлакатимизда кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган ишларнинг кўлами ва миқёси нисҳоятда кенгайиб, янги босқичларга кўтарилб бормоқда.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти бўлган суд-ҳуқуқ тизимининг мутлақо янги концепцияси амалиётга жорий этилди. Бир сўз билан айтганда, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг амалий натижаси халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти, эртанги кунга ишончида акс этиб турибди.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ



Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Деҳқонобод тумани суди раиси

аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга қаратилган кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар қақда бир неча бор таъкидлаб, бу борада қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилди.

Жумладан, Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари фикримизни тасдиқлайди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони суд ҳокимиятини ягона тизим сифатида тубдан такомиллаштириш,

одил судлишни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳамда ишончли ҳимоя қилиш борасида муҳим ҳужжат бўлди.

Судья мустақил, бегараз ва ҳолис бўлса, қонунга сўзсиз бўйсунса, масъулиятни чуқур ҳис қилса, албатта, адолат қарор топади. Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга муносиб кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш ҳамда судьялар фаолиятини ҳолис баҳолаш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига ишончини янада қўллашга замин яратди.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Президентимизнинг 2025 йил 21 августдаги “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлар порталида фуқароларга ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш модулини яратиш белгиланди. Бу билан сунъий интеллект асосида ишлайдиган виртуал маслаҳатчи яратилиб, суд маълумотлари ва мурожаатчиларга жавоблар автоматик тарзда етакзилади. Рақамли ҳуқумат билан тўлиқ интеграция йўлга қўйилиши натижасида судда кўрилаётган ҳар қандай низо бўйича маълумотларни реал вақт режимида электрон олиш имконияти яратилади. Бу қулайликлар ҳисобига ишларни судда кўриш муддати кескин қисқариб, ортиқча қозғозликка чек қўйилади.

Фармонга биноан судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган “Рақамли суд” концепцияси тасдиқланди.

Энди судга ариза беришдан аввал сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажат шакллантирилади. Мурожаатлар судга фақат электрон шаклда юборилади. Ишда иштирок этувчи

шахслар суд муҳокамаларида масофадан туриб қатнашади. Шунингдек, тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахсларга ишга доир материаллар билан электрон шаклда танишиш имконияти яратилади. Суд харажати электрон шаклда ҳисобланади ва ижрога қаратилади.

Мазкур концепция коррупциянинг олдини олиш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг оворагарчиликсиз одил судловга эришиш имкониятини кенгайтиради.

2025-2027 йилларга мўлжалланган суд соҳасини рақамлаштириш ва одил судлов жараёнида замонавий ахборот

технологияларини жорий этиш дастури билан фуқаролар, адвокатлар, юристлар, судьялар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш платформасини ишга тушириш, суд ҳужжатларини автоматик тайёрлаш мақсус ахборот дастурини яратиш ҳамда “pus.sud.uz” интерактив хизматлар порталида фуқароларга ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш модулини яратиш белгиланди. Бу билан сунъий интеллект асосида ишлайдиган виртуал маслаҳатчи яратилиб, суд маълумотлари ва мурожаатчиларга жавоблар автоматик тарзда етакзилади. Рақамли ҳуқумат билан тўлиқ интеграция йўлга қўйилиши натижасида судда кўрилаётган ҳар қандай низо бўйича маълумотларни реал вақт режимида электрон олиш имконияти яратилади. Бу қулайликлар ҳисобига ишларни судда кўриш муддати кескин қисқариб, ортиқча қозғозликка чек қўйилади.

Фармонга биноан ҳолислик ва бегаразлик тамойиллари кенг жорий қилиниб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг судга ишончини ошириш мақсадида барча йўналишдаги судлар бўйича минтақавий тафтиш судлари ташкил этилиши ва вилоят, унга тенглаштирилган судлардаги тафтиш инстанциялари тугатилиши белгиланди. Яъни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда фақат апелляция ва кассация инстанциялари фаолият юритса, тафтиш инстанцияси 5 та ҳудудий судда ташкил этилади.

“Фармонга биноан ҳолислик ва бегаразлик тамойиллари кенг жорий қилиниб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг судга ишончини ошириш мақсадида барча йўналишдаги судлар бўйича минтақавий тафтиш судлари ташкил этилиши ва вилоят, унга тенглаштирилган судлардаги тафтиш инстанциялари тугатилиши белгиланди. Яъни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда фақат апелляция ва кассация инстанциялари фаолият юритса, тафтиш инстанцияси 5 та ҳудудий судда ташкил этилади.

Иқтисодий судлар тузилмаси муқобиллаштирилиши натижасида 14 та иқтисодий суд ташкил қилинади. Қисқартirilган судларни иш ҳажми кўп бўлган судларга бирик-тириш орқали тадбиркорлик субъектларини сифатли, адолатли судлов билан таъминлашга шароит яратилади.

Шунингдек, Судьялар олий кенгаши ҳу-зурдаги Судьялар олий мактаби негизи-да Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ташкил этилади. Академияда таълим жараёни “устоз-шогирд” аънаъаси асосида ташкил қилиниб, бунда “бўлажак судьяни судья ўқитади” тамойили асосий дастур бўлади. Бўлажак судьялар назарий таълим билан чегараланиб қолмай, асосан тажрибали судьялардан касбий кўникма

“Фармон билан иқтисодий судлар тузилмасини оптималлаштириш ҳам кўзда тутилган. Хусусан, 2026 йил 1 январдан бошлаб туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари тугатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро иқтисодий судлар фаолияти йўлга қўйилади. Бундан кўзланган асосий мақсад — судлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва мавжуд ахборот-коммуникация технологиялар соҳасидаги ютуқлардан максимал фойдаланиш орқали тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратиш.

Шунингдек, фармонда рақамли технологияларни жорий этиш орқали суд ишларини юритиш самарадорлигини ошириш, судларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Тахлилларга кўра, бугунги кунда 162 та суд учун янги бинолар қуриш, 82 та суд биносини реконструкция қилиш, 93 тасини капитал таъмирлаш ва судьялар учун хизмат уйларини қириш қилиш ва таъмирлаш зарурати мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фармон билан 2025-2030 йилларда суд биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Умуман олганда, фармон билан амалиётга таътиб этиладиган ўзгаришлар натижасида суд тизимида таътибларимиз ва тадбиркорлар учун қулай, шаффоф ва самарали хизматлар тақдим этилади. Бу эса мамлакатимизда одил судловни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга замин яратиши билан аҳамиятлидир.



ЯНА 16 ТА ДАВЛАТГА ЭКСПОРТ

ДУНЁ БОЗОРИДА “ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛГАН” ДЕГАН БРЕНД ОММАЛАШМОҚДА



Эркинжон БОТИРОВ,
иктисодиёт фанлари доктори

Буларнинг барчаси — юртимиз қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самараси. Бу ислохотлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этиляпти. Мамлакатимизга ишончи экспортёр давлат сифатида қаралмоқда. Биргина мисол, жорий йил июлида Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) кенгаши аъзолигига сайланди. Бу миллий ва минтақавий ташаббусларни илгари суриш, янги лойиҳаларга маблаг жалб қилиш учун катта имкониятдир.

Албатта, экспорт ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас. Маҳсулот қанчалик кўп ва сифатли бўлмасин, уни хориж бозорига чиқариш, яна халқаро майдонда ўрин эгаллаш машаққатли юмush эканини соҳа вакиллари, тадбиркорлар яхши билади. Шунга қарамай, юртдошларимиз бунни удаляяпти. Маҳсулотларимиз кириб борган бозорлар доимий харидоримизга айланмоқда. Сабоби серқуёш ўлкамизда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари табиий ва ширин таъмга эга. Чет элга борган киши бунга даров тавоқ бўлади — ташқи бозорда “Ўзбекистонда етиштирилган” деган бренд шакланган.

Талаб ҳам шунга яраша ортиб борапти. Мисол учун, жорий йилнинг дастлабки олти ойида юртимизда озиқ-овқат экспорти 44 фоиз ўсиб, 1 миллиард 326 миллион долларга етди. Экспорт географияси эса 16 та давлатга кенгайди. Бу кўрсаткичлар иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатади.

Шу йил 30 июль кунини давлатимиз раҳбари раислигида мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида айни вазифалар хусусида сўз борди. Яъни қишлоқ хўжалиги имкониятларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда экспорт ҳажминини ошириш, бу борадаги ишларни барча ҳудудда бирдек олиб бориш вазифалари белгиланди.

Қашшоқликни қисқартирадиган тармоқ

Ҳақиқатан, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги салоҳияти юқори. Юртимиз табиати, иқлим шaroити, ишчи кучи ресурслари ва географик жойлашуви жиҳатидан мева-сабзавот етиштириш ва экспорт қилиш имкониятимиз катта. Мамлакат ички бозорида экспорт салоҳиятини ошириш, янги бозорларни ўзлаштириш ва боджетта тушумини кўпайтириш эса экспортёрлар учун қўй даражада қулай шарт-шaroит яратилган билан чамбарчас боғлиқ.

Бу борада Ўзбекистонда замонавий бозор механизмларини жорий этиш, экспорт қилиш тартибини соддалаштириш орқали ҳажмини ошириш, логистика тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тармоқда бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини татбиқ қилиш, кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортни ҳажмини ошириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ҳали олдинда қилинадиган ишлар ҳам талайгина. Бойсиз, бутун жаҳон бозорига мева-сабзавот савдоси 205 миллиард долларни ташкил этаётган бир пайтда юртимизнинг мазкур бозордаги улуши бир фоизга ҳам етмаяпти. Ушбу турдаги маҳсулотларнинг мамлакат экспорти таркибидagi улуши эса атиги 7 фоизни ташкил қилади.

Бир жиҳатдан масала тушунарли. Чунки мамлакатимизда йиллар давомида қишлоқ хўжалиги имкониятидан етарлича фойдаланилмаган. Соҳани ривожлантиришга қаратилган қатъий ислохотлар эса 2016 йилдан кейин бошланди. Шунга қарамай, ўтган қисқа вақтда эришилган натижаларни эътироф этиш жоиз. Деярли қаровсиз соҳа мутлақо замонавий тармоққа айланиб, янги механизмлар асосида ишлаб бошлаш ортидан юртимиз иқтисодиётининг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Бугун қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакатимиз ялпи ички

Мева-сабзавотчилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг салмоқли қисмини ташкил этади. Бироқ етиштирган маҳсулотларимизни яқин-яқингача фақат қўшни давлатларга чиқариш билан чекланар эдик. Ҳозир бунинг акси — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилишда етакчи мамлакатлар қаторида тилга олинапти. Гилос, ўрик, шафтоли, майиз, дуккакли маҳсулотлар экспорти бўйича ҳатто олдинги ўринларда турибмиз.

маҳсулотининг 28 фоиздан ортигини ташкил этмоқда, бандлиқни таъминлашдаги улуши қарийб 28 фоиз.

Қишлоқ хўжалиги фақат озиқ-овқат етиштиришдан иборат эмас. Пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноат, озиқ-овқат, кимё саноати каби кўплаб тармоқларнинг ривожланиши истикболлари, иқтисодий ва молиявий аҳоли, умуман, бутун саноат салоҳиятининг ярмига яқини бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ. Мутахассислар ҳам ушбу соҳанинг ижтимоий-иқтисодий ўсишга таъсири муҳимлигини таъкидлайди. ФАО тадқиқотчилари фикрича, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қараганда қишлоқ хўжалигидаги ўсиш мультипликатор вазифасини ўтаб, қашшоқликни қамайтириши мумкин. Ҳисоботда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсишнинг ҳар бир фоизи умумий қашшоқлик даражасининг 1,5 фоиз қисқаришига тенг экани кўрсатилган.

Талаб юқори, аммо...

Озиқ-овқат экспорти тадбиркорлар учун доим жозибадор йўналишлардан бири бўлган. Аммо яқин йилларгача бундай ишбилармонлар экспортда муяян билимга эга бўлиши зарурат эмасди. Бойсиз, маҳсулотлар



асосан қўшни давлатларга экспорт қилиниб, талаб катта бўлмаган. Бироқ даромад ҳам шунга яраша эди.

Бугун экспортёр тадбиркор ривожланиши, янги бозорларга чиқиш, халқаро майдонда ўрин эгаллаши, рақобатта дош бериши учун кўпроқ изланиши, ўқиб-ўрганишига тўғри келяпти. Чунки катта бозорнинг ўзига яраша катта талаблари бор. Хусусан, агро-бизнесда ҳар бир тадбиркор экспортни амалга оширишнинг стратегик қарорлар, бозорни тўғри тушунишдан бошлаш керак. Акс ҳолда, маҳсулотига талаб умуман бўлмаслиги мумкин.

Маҳсулот етиштириш — бу ҳали тадбиркор фойда олди дегани эмас. Асосий даромад харидор топиб, етакчиб берилгандан кейин кўринади. Экспортда бу янада қийин жараён. Маҳсулотларни истеъмолчиларга сифатли етакчиб беришдан тортиб, бозор талабларига мос тарзда қадоклаш, тўғри сақлаш, ўз вақтида элтиб бериш каби омилларнинг барчасини эътиборга олиш зарур. Батъан буларнинг харажати маҳсулот етиштиришдан ҳам қимматга тушиши мумкин. Экспортёр эса ана шу жиҳатларни олдиндан баҳолаб олиши лозим.

Ҳозир логистика масаласи ҳам долзарб. Ўзбекистон географик жиҳатдан ташқи бозорлардан (мева-сабзавот экспорти учун) узоқ масофада жойлашган. Бу — маҳсулотни истеъмолчиларга етакчиб бериш, яъни логистика харажати доим юқори бўлади дегани. Шу сабабли арзон маҳсулотларни экспорт қилишдан маъно йўқ. Даромад қутилганидек бўлмаслиги мумкин.

Умуман, мамлакат иқтисодий ривожини, жамият фаровонлигини учун экспорт географиясини кенгайтириш муҳим экан, шу йўналишдаги ишбилармонларга имтиёз, молиявий ёрдам бериш ўзини оқлайди. Бугун юртимизда давлат ва нодавлат тузилмалар, донор ташкилотлар ташаббуси билан амалга оширилаётган кўплаб лойиҳа ҳамда дастурлардан кўзланган мақсад ҳам шундан иборат. Жумладан, сўнгги уч йилда мамлакатимизда 250 минг гектар пахтазор ва галлазор қисқартирилиб, озиқ-овқат экинлари учун ажратилди. 160 минг гектар янги бог

ва тоқзор барпо этилди, эскирган 107 минг гектар экинзор янгиланди. 1 миллиард долларлик 1500 та озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди.

Аммо соҳада ҳали камчиликлар етарли, берилаётган имкониятлардан тўла фойдаланилмаётган ҳолатлар бор. Уларни бирин-кетин бартараф этиш орқали экспорт ҳажминини ошириш кўзланган. Бу соҳа ишбилармонларига ҳам қўшимча имтиёзлар, янги имкониятлар беради. Масалан, дунёда тобора мурракбланиб бораётган экологик вазият, об-ҳаво инжикликлари ортиб, сув танқислиги одатий ҳолга айланган шарoитда экспорт бозори географиясини кенгайтириш орқали бюджетта валюта тушумини кўпайтириш муҳим масалага айланган.

Тўғри, юртимиз экспорт географияси тобора кенгайиб борапти, аммо бу ҳали етарли ва узлуксиз даражада эмас. Хусусан, бу йилги мева-сабзавот экспортининг 80 фоизи 5 давлат ҳиссасига тўғри келган. Талаб юқори бўлган Буюк Британия, Италия, Швеция, Япония, Ҳиндистон, Қатар қабилаарга эса экспорт ҳажми кам.

Маҳсулотларни хорижга қимматроқ сотиш ва бир маромда етакчиб бериш учун қайта ишлаш жараёнини такомиллаштириш талаб этилади. Мазкур йўналишда ҳам



ишлар қилинапти. Бу йил ҳудудларда 16 та замонавий қадок тайёрлаш корхонаси ишга туширилди. Лекин бу мавжуд салоҳият учун етарли эмас. Экспортга йўналтирилаётган мева-сабзавотнинг 18 фоизи замонавий қадоклангати, холос. Қадоклаш корхоналари сонини кескин ошириш мақсада мувофиқ, Ҳудудларда “Агроспан” компанияларини учун “in-vitro” лабораториялари, сақлаш, қадоклаш, саралаш ва қайта ишлашни ўз ичига олган замонавий агромажмуалар барпо этиш, иссиқхона хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш каби қатор вазифалар ҳам белгиланган.

Экспорт фақат маҳсулот сотуви дегани эмас. Аввало, маҳсулотни сифатли етиштиришдан тортиб, харидорга етакчиб бериш бўлган жараёни қамраб олган катта йўналиш. Ушбу йўналишда маҳсулот харидоригир бўлиши учун эса қишлоқ хўжалигининг замонавий технологиялар асосида ривожлантириш талаб этилмоқда. Илгор қурилмалар сарф-харажати қамайтириб, маҳсулот таннархи пасайишига хизмат қилади.

Юртимизда ҳозиргача 224 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган самара берди. Натижада 420 миллион куб метр сув иқтисод қилиниб, қўшимча 65 минг гектарда мева-сабзавот етиштириш имконияти яратилди. Бунинг учун ўтган йили 2,6 триллион сўм, жорий йилда эса 1,2 триллион сўм сарфланди. Илг якунигача яна 10 минг гектарда томчилатиб ва ёмғирлатиб сугоришни йўлга қўйиш, 200 минг гектарни лазерли текислаш режалаштирилган. Шу мақсадда 500 миллиард сўм ажратилади. Келгуси йил дастури учун 2 триллион сўмлик ресурс шакллантирилади.

Яқинда дала четига экин экиш, кооперациялар бўйича қонунлар чиқди. Шунингдек, Сув кодекси қабул қилингани сув танқислиги шарoитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Энди бунини давом эттириб, қишлоқ хўжалигида даромаднинг ошириш, экспортни рағбатлантириш, илгор стандартларини жорий этиш бўйича ҳам қонунчиликни муштаҳамлаш мақсада мувофиқ, Бу эса, ўз навбатида, ресурслар самарадорлигини ошириш имконини беради.



Ўзига хос қарама қаршилиқ: мутахассислар таҳлилига кўра, дунёда миллионлаб одам тоза сувга етиша олмаётган бир пайтда ҳар йили 32 миллиард куб метр сув беҳуда исроф бўлаётган экан. Бир килограмм картошка етиштириш учун 300 литр, бир килограмм жўхори етиштириш учун 900-1200 литр, бир дона помидор пишиб етилиши учун эса 13-20 литр сув сарфланаркан. Ҳар бир инсон кунига 50 литр тоза ичимлик сувга эҳтиёж сезади.



ҲАР ҚАТРАСИ АЗИЗ



“АГРОБАНК” СУВНИ ТЕЖАШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

Мана шу рақам ва далиллардан кўриниб турибдики, ҳаётимизда сувнинг қийматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Айниқса, глобал иқлим ўзгариши — қурғоқчилик, қўланиш, ўрмонлар кесилиши, тупроқ шўрланиши каби омиллар табиатта ва турмушимизга тобора салбий таъсир этаётган ҳозирги шарoитда унинг ҳар томчиси тиллага тенг бўлиб бораётгани айни ҳақиқат. Бинобарин, сувнинг тез суръатларда қамайиб бораётгани глобал исинишнинг энг хавфли оқибатларидан биридир. Шу боис, уни асраб-авайлаш, тежаш чораларини кўриш бугуннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасига айланган.

Шу нуқтан назардан, 2023 йил 18 апрель кунин Президентимиз ҳузурида сув хўжалигида ва фармацевтика саноатида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда келгуси вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишида “Агробанк” ҳузурида сув тежамкорлиги бўйича янги лойиҳаларни шакллантириш учун алоҳида маркаш ташкил қилиб, хориждан малякали мутахассисларни жалб этиш вазифаси қўйилгани оқилона қарорлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Негаки шундан сўнг Сув хўжалиги вазирлиги, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳамда “Агробанк” акциядорлик тижорат банки томонидан Сувчилар мактаби фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан кўзланган мақсад қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш маданиятини шакллантириш, “Сув — текин эмас” тамойили асосида замонавий сув тежовчи технологияларни жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш бўйича билим ва кўникмалар беришдир, — дейди Сувчилар мактаби раҳбари Фарҳод Саидов. — Яъни бу ерда фермерлар, сув хўжалиги тизими корхоналари ходимлари, фермер хўжалиқлари вакиллари учун ўқув курслари ташкил этилади. Ўқув курслари мутлақо бепул. Барча харажатлар “Агробанк” томонидан қоплаб берилади.

Ўқув курсларини амалга ошириш давомида Туркия, Хитой ва Испания тажрибалари ўрганилди ҳамда маҳаллий фермерлар ўртасида сўровномалар ўтказилди. Хориж тажрибалари ҳамда маҳаллий фермерлар тақлифлари асосида ўқув дастурлари ва махсус ўқув қўланмалар ишлаб чиқилди.

Ўқув курсининг биринчи bosқичи қисқа муддатли дастур асосида 2023 йил 29 майдан октябрга ойига қадар ўтказилди ва 155 та қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларда 61 минг 528 нафар тингловчи ўқитилди. Бунинг учун 50 нафардан ортиқ маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари жалб қилинди. Шундан 15 нафар туркиялик, 2 нафар испаниялик мутахассисдан иборат 5 та сайёр гуруҳ 5 та микроавтобусда ҳудудларда дарс берди.

Ўқув курсининг иккинчи bosқичида эса асосий эътиборни сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш орқали аҳоли орасида шакланган “сув — текин” тушуничадан воз кечиш, тежовчи технологияларни жорий этишни кенгайтириш ва сувни тўғри бошқарган ҳолда ҳосилдорликни ошириш мақсадида чуқурлашган дастурлар ишлаб чиқилди. Бунда назарий ва амалий ўқув жараёнларини сифатли ташкил қилиш



мақсадида республикаимизнинг 13 та ҳудудида ўқув хоналари ташкил этилди. Шунингдек, 13 та махсус жиҳозланган микроавтобуслар ташкил этилиб, лойиҳага 234 нафар (шундан 35 нафар хорижий) профессор-ўқитувчи жалб қилинди.

Тажриба назарий билимлар бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда ўргатилиши керак эканлигини кўрсатди. Бунинг учун республикаимизнинг 13 та ҳудудидаги ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтилари базасида 15-20 гектарлик илгор сув тежовчи технологиялар жорий қилинган тажриба майдонлари ташкил қилинди.

Ўтган йилда 13 мингта яқин фермер хўжаликлари раҳбар-ҳодимлари ўқитилди. Натижада ўқув курсида иштирок этган 4 мингта яқин фермер хўжалиги сувни тежайдиган технологияларни ўз майдонларига жорий қилди.

Жорий йилда 10 мингдан ортиқ фермерларни ўқитишда ўқув дастурлари “2025 йил — Сув хўжалигида насослар самарадорлигини ошириш йили” деб белгилангани ҳамда “бир канал — бир тизим” тамойили асосида 13 та канални тўқиз сувни тежайдиган технологияларга ўтказиш ишлари доирасида олиб борилди. Шу асосда бугунги кунга қадар 7469 нафар тингловчи ўқитилди.

Сувчилар мактаби фаолиятининг иккинчи bosқичида умумий ҳолда 60 мингдан ортиқ тингловчиларни ўқитиш режалаштирилган.



Шу билан бирга, жорий йилда сув тежайдиган технологиялардан фойдаланиш бўйича 30 та методик қўланмадан иборат тўплам chop этилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, юртимизда амалиётга киритилган ушбу тажриба қўшни мамлакатлар мутахассисларида ҳам катта қизиқиш уйотмоқда. Қўшни давлатлар билан сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиқни муштаҳамлаш, транс-чегаравий сувлардан барқарор ва адолатли фойдаланиш ҳамда минтақавий ҳамжиҳатликни ривожлантириш борасидаги сай-ҳарақатлари доирасида 2024-2025 йиллар мобайнида ташкил этилган ўқув курсларида Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ҳамда Афғонистондан мутахассислар иштирок этди. Барча тингловчилар Ўзбекистондаги сув хўжалиги ва таълим тизими билан яқиндан танишди.

Сувчилар мактаби фаолиятининг учинчи йўналишида ўқув курслари хорижий гўза навларини етиштиришга бағишланди.

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, сув ресурслари танқислиги ва бозор талаблари ўсиб бораётгани аънавий гўза етиштириш усуллари самарадорлиги ҳамда илмий ёндашув долзарблигини оширмоқда. Айнан шу шарoитда хорижий гўза навларини экиш ва илмий ёндашувга асосланган интенсив технологияларни кенг қўллаш зарурати юзага чиқмоқда.

Сувчилар мактаби ташаббуси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агро-технологиялари илмий-тадқиқот институти биргаликда мавсумда хорижий гўза навларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиқлари ва агроном мутахассислар учун махсус ўқув курслари ташкил этилди. Амалий машғулотлар республика бўйлаб Сувчилар мактаби тажриба майдонлари ҳамда хорижий гўза навларини эккан хўжалиқларда ташкил қилиниб, иштирокчиларга хорижий навларнинг ривожланиши, тупроқ ва иқлим шарoитларига мослашув даражаси бўйича батафсил тавсиялар берилди.

Ушбу ўқув курсларининг асосий мақсади сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ мос хорижий гўза навларини ўстириш, ҳосилдорликни ошириш ва замонавий агротехнологияларни жорий этиш бўйича



фермер ва агрокластерлар раҳбарлари салоҳиятини оширишдан иборат бўлди.

Ўқув дастурида АҚШ, Туркия ва Хитой каби мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган ва юқори ҳосилдорлик кўрсаткичларига эга хорижий гўза навларининг агротехник хусусиятлари, ўстириш шарoитлари, томчилатиб сугориш технологияси билан уйғунлиги муҳокама қилинди.

Тингловчиларга назарий билимларни бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда ўргатиш мақсадида тўртинчи йўналишда республикаимизнинг 13 ҳудудидаги ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтилари базасида 2023-2024 йилларда 15-20 гектарлик (жами 255 гектар) тажриба майдонлари ташкил қилинди. Майдонлар лазерли текисланди, замонавий сув тежовчи сугориш тизимлари жорий этилди, бошқариш тўқик автоматлаштирилиб, сўнгги турдаги метеостанциялар ўрнатилди. Натижада қишлоқ хўжалиги экинларининг сув сарфи 44 фоизга, ишчи кучи 50 фоизга, харажатлари 21 фоизга қамайган ҳамда ҳосилдорлик 31 фоизга ошган.

Тажриба майдонларида тингловчиларга ўқитиш ишлари ташкил этилиб, сув тежовчи технологияларни қўллаш ва ҳосилдорликни ошириш усуллари ўргатилди.

Бундан ташқари, 2025-2026 йилларда 155 та тумандаги 7 минг гектарда пахта ва галла етиштиришга мослашган тажриба майдонлари жорий қилиш бошланди. Ҳар бир туманда 30 гектардан майдонда ёмғирлатиб ва томчилатиб сугориш тизими ва қуёш панелидан фойдаланган ҳолда “намунавий” тажриба майдонлари ташкил этилади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Баркамол авлод учун

Соғлом турмуш тарзига эришишда соғлом овқатланиш муҳим ўрин тутadi. Бироқ бунга болаликдан ўрганилмаса, кейин анча қийин кечиши мумкин. Шу маънода, болаларни соғлом овқатлантириш тизимини йўлга қўйиш Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг долзарб масалаларидан бўлиб қолаверади. Боғчаларда болаларни соғлом овқатлантириш ва уларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, анъанавий усулдан чекланиб, пойтахтдаги Давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг тизими эксперимент тарзида йўлга қўйилди.

Соғлом овқатланиш болаликдан боғланади

Аутсорсинг қандай тизим?

Аутсорсинг инглизча “outsourcing” сўзидан олинган бўлиб, бирор-бир ташкилот ёки корхона ўз фаолиятидаги айрим иш, хизмат ёки вазифаларни мустақил ташқи ташкилотга (яъни бошқа соҳа ташкилотига) топширишини англатади. Бундан қўзланган асосий мақсад эса хизмат сифатини ошириш, харажатларни камайтириш, асосий фаолиятга эътиборни қаратиш, иш самарадорлигини оширишдан иборат. Бу усулда давлат харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича ғолиб деб топилган тадбиркорлик субъектлари томонидан таомлар тайёрланади. Айни хизматга киришишни истаган ташкилотлар учун дастлаб танлов (тендер) эълон қилиниб, боғча ёки тегishли туман ҳокимлиги ёки мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси томонидан танлаб олиниб, ғолиб бўлган ташкилот билан шартнома тузилади. Шартномага кўра, тадбиркор сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда тайёр овқатларни етказиб беради. Анъанавий усулда эса туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари марказлашган бухгалтерия билан тўғридан тўғри шартномалар тузиб, таъминотчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини давлат мактабгача таълим ташкилотларига етказилади.

Айни пайтда пойтахтнинг 4 та туманидаги (Миробод, Бектемир, Янгиҳаёт, Яккасарой) 92 та МТТга аутсорсинг хизматини кўрсатиб келаётган “Абдували ота” МЧЖ масъул ходими Нилуфар Мақсудова билан суҳбат чоғи аутсорсинг тизимининг афзаллигини чуқурроқ англаб етдик. Зеро, ноль қийматида ижарага олинadиган МТТ ошхонасидаги жараён тадбиркорлар томонидан олиб борилаверади, боғча ходимлари эса таълим-тарбия жараёни билан шугулланади. МТТ тақдим этган таомнома бўйича овқат тайёрланади. Аввалги усулда 3-4 нафар ходим ошхонада ўрallашиб қолиб, жуда кўп вақт йўқотилади. Яна бир муҳим жиҳат, янги усулда овқат ортиб ҳам, етмай ҳам қоламайдди. Ҳар кунлик давомат ҳамшира томонидан тақдим этилади. Озиқ-овқат микдори келган бола сонига қараб олиб борилади. Шу билан бирга, овқатнинг бир бола учун белгиланган кунлик меъёрига, албатта, амал қилинади.

Таом сифати, хавфсизлиги, умуман, овқатлантиришининг барча меъёрларига мос келишига аутсорсинг хизмат кўрсатувчи жавобгар бўлади. Олиб келинаётган озиқ-овқат



маҳсулотлари комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Яъни маҳсулотлар сифатини кафолатловчи ҳужжатлар (сертификат, тамгалаш) мавжудлиги, шартномада белгиланган нархи ва тавсифига мувофиқлиги ўрганилади. Ҳужжатга кўра, қабул қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда сақланади ва сарфланади. Умуман олганда, давлат мактабгача таълим ташкилотларида болаларни овқатлантиришнинг бу усули яхши самара берапти. Ҳатто айрим хусусий МТТлар ҳам аутсорсинг тизимига ўтгани бунинг амалдаги исботи дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам аутсорсинг орқали овқатланиш тизими янги босқичга олиб чиқилади. Бунда ташқи имкониятлардан кенг фойдаланилади. Зеро, аутсорсинг усули болаларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлашда муҳим омили бўлади.

Дарвоқе, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 январдаги “Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан

“Давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришнинг ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган. Қарорда давлат боғчалари тарбияланувчиларнинг соғлом, хавфсиз ва сифатли овқатланишини таъминлаш мақсадида 2025 йил 1 июлгача “Ягона мавсумий таомнома” жорий этилиши белгиланган.

“Ягона мавсумий таомнома”нинг афзаллиги нимада?

Шунга кўра, бугун давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш “Ягона мавсумий таомнома” асосида амалга оширилмоқда. Болаларнинг озиқ моддалар ва зарур энергия манбалари, оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар ва минерал моддаларга эҳтиёжлари, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, уларнинг сифати, сифатсиз ҳолда қандай бўлиши, умуман, таомнома тузишга қўйиладиган

барча талабларни ўз ичига олган “Ақлвой — ошпаз” болалар таомлари рецeптлари китоби мазкур таомномани яратиш учун муҳим қўлланама бўлди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бош мутахассиси Азиз Алиевнинг таъкидлашича, “Ягона мавсумий таомнома” Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан биргаликда мавсумлар кесимида ишлаб чиқилган. Унинг афзаллиги — (баҳор, ёз, куз, қиш мавсумлари учун) давлат МТТларида тарбияланувчиларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидagi маҳсулотлар микдорлари, технология карталарини ўз ичига олган. Шунингдек, бу олис ва чекка ҳудудлардаги туман ва шаҳарлар марказида жойлашган мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари учун ҳам таомларнинг бир хил тайёрланишига хизмат қилади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бунда давлат мактабгача таълим ташкилотларида “Ягона мавсумий таомнома” асосида озиқ-овқат харажатларининг (натура кўринишида) ҳисоби “Bolatol bog’chasi” ахборот тизимида яратилган модуллар орқали юритилади. Шу билан бирга, мазкур ҳисобот электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимига автоматик тарзда юборилади. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан “Ягона мавсумий таомнома” асосида ҳудудлар кесимида озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача бозор нархларидан келиб чиқиб, молия йили давомида бир нафар тарбияланувчи учун бир кунлик соғлом овқатлантиришнинг ягона нархи тасдиқланади.

Ҳамшира — ҳимоячи

Юқорида айтганимиздек, мамлакатимиздаги 6798 та давлат мактабгача таълим ташкилотида аутсорсинг асосида соғлом овқатланишни жорий этиш мақсадида давлат харидлари электрон тизими орқали

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида босқичма-босқич аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ташкил этилмоқда.

Болаларни соғлом овқатлантириш жараёнида МТТ ҳамшираси асосий ўрин тутadi. Зеро, таомномаларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



нормативларига асосан тузилиши, ошхона ва омборхонанинг санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритишини ҳамшира назорат қилади. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини, уларни сақлашда тегishли қоидаларга амал қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг белгиланган меъёрлар асосида ишлатилиши ҳам унинг зиммасида.

МТТ ҳамшираси, шунингдек, аутсорсер томонидан санитария қоидалари ва меъёрлари бажарилиши ҳолатини кузатиб бориш ҳамда кунлик синамалар олишга ҳам масъул. Унинг рухсатисиз ташқаридан келган, махсус кийимсиз ва тиббий кўриқдан ўтмаган шахсларнинг мактабгача таълим ташкилоти ошхонасига кириши мумкин эмас.



Салбий ҳолатлар олди қандай олинади?

Ижтимоий тармоқларда болалар боғчалари тарбияланувчиларининг турли кўнгилсизликларга, жумладан, овқатланиш билан боғлиқ хавфли ҳолатларга дуч келаётганини баъзан эшитиб, ўқиб қоламиз. Овқатлантириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган салбий ҳолатларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилатгани бўйича мутасаддиларга юзландик. Масъуллар маълумотига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 январдаги



“Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурида Таълим соҳасида овқатланишни ташкил этиш ва назорат қилиш маркази ташкил этилди.

Аутсорсерлар томонидан давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун инвестиция киритиш мажбурияти жорий қилинди. Республика бўйлаб давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг асосида соғлом овқатланишни босқичма-босқич жорий этиш мақсадида давлат харидлари электрон тизим орқали амалга оширилмоқда.

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ташкил этилаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларида мазкур хизмат бўйича тақлиф ва шикоятлар жамоатчилик назорати ҳамда ота-оналар томонидан Марказнинг “QR-Feedback” ахборот тизими орқали киритиб борилиши ҳамда вазирлик томонидан назорат қилиниши белгиланган.

Соғлом овқатлантиришни ташкил этиш жараёнилари давлат мактабгача таълим ташкилотларида фаолият кўрсатувчи ҳамда ота-оналар ва бошқа жамоатчилик вакилларида иборат Кузатув кенгашлари аъзолари томонидан доимий кузатиб борилади.

Мактабгача таълим тизимидаги сил-жишлар, халқимиз тан олётган ютуқлар ўзимизники. Бироқ соғлом авлод, соғлом келажақ учун ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Бу борада қанча бош қотирсак, излансак ва меҳнат қилсак арзийди. Зеро, соғлом авлодгина буюк келажақ қуришга қодир бўлади.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ҚАДРНИ ОДАТ ҚИЛГАН ЖАМИЯТ КАМ БЎЛМАЙДИ

ЮРТИМИЗДА ИНСОНГА ЭЪТИБОР БИР РАССОМ АЁЛ ҲАЁТИ МИСОЛИДА

Меҳрли сиёсат

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳрида истиқомат қилувчи Нилуфар Ярмадова неча ўн йиллар давомида бошпанасиз, ижарама-ижара сарсон бўлиб ҳаёт кечирди. Мусаввирлик санъатини қалбига жо қилган бу rassom аёл ёлғиз фарзандини бировдан кам қилмаслик ва рўзгор кам-кўстини тўлдириш илнжида йиллар давомида елиб-югурди. Кундузлари нозик елқасига оғир сумкаларни илби, бозор расталарида турфа буюм ва идишларга нақш солиб хунаремдлик қилса, тунлари буюртма асосида расм чизиб, тирикчилик ўтказди.

Аммо у машаққатли кунлар энди ортда қолди. Айниқса, 2024 йил март ойида Наврўз байрами тантаналарида Президентимиз билан учрашув Нилуфар Ярмадованинг ҳаётига ёруғлик ва умид олиб кирди.

Унутилмас лаҳзалар

— Ҳаётим давомида жуда кўп оғир синовлардан ўтишимга тўғри келди. Турмушдаги қийинчиликлар, ижтимоий муҳтожлик ва бошпанасизлик менга катта руҳий ҳамда жисмоний зарба бўлган эди. Кун келиб, ўз уйимга эга бўлман деб орзу қилардим, аммо бунинг амалга ошишига ишончим кам эди. Бироқ аёлларга кўрсатилаётган муносиб эътибор, уларнинг ҳаётига ишончини тиклаш, оилавий, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари жадал олиб борилаётганини ўз ҳаётимда ҳис қилдим, — дейди rassom. — 2024 йил мартда “Янги Ўзбекистон” боғидаги Наврўз тантаналарида кўргазмалар билан иштирок этдим. Чизган ҳар бир асаримда йиллар давомидаги юксак орзуларим мўжассам эди. Эзгу ниятлар ва ёруғ мақсадлар билан суғорилган асарларим олдига давлатимиз раҳбарининг ҳам сурати бор эди. Уша кунни ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа содир бўлди — Президентимиз билан учрашим ҳамда самимий тилакларини эшитишга мурассар бўлдим. У киши кўргазмалар олдида бир

зум тўхтаб, асарларимни томоша қилганида жуда ҳаяжонландим. Иқодимга омад тилар экан, нима камчилигим борлиги, қандай кўмак кераклиги ҳамда сўраганида кўнглим тўлиб, бўғзимга нимадир тикилгандай бўлди. Ҳаяжонимни яширишга уриниб, бор иродамни жамлаб: “Сизнинг шу сўзларингизнинг ўзи менга катта куч ва рағбат берди, илоҳим умрингиз узун бўлсин, раҳмат сизга”, дея олдим. Бу учрашув, Президентимнинг самимий сўзлари, меҳрли нигоҳи мен учун бекиёс эътироф эди.

“Ўз уйинг — ўлан тўшагинг”

Орадан вақт ўтиб, Нилуфар Ярмадовага Янгийўл шаҳри ҳокимлиги томонидан муқим яшаши учун чоргоққина бошпана берилди. “Ўз уйинг — ўлан тўшагинг”, дея бежиз айтилмаган. Зеро, ўз уйига эга инсонлар дунёдаги энг бахтиёр одамлардир. Бошпанаси йўқ, ижарада яшовчи кишининг эса на еганида ҳузур, на ётганида ором ва на кўнглида ҳаловат бўлади.

Нилуфар Ярмадова ҳам бошпанали бўлиш ниятида йиллар давомида ёрдам сўраб, вояда бўлган ҳокимлиги мутасаддилари олдига кўп боради. Қабулхоналар эшиги олдида соатлаб кутиб, ёлғизгина қизи билан беварварларинг бўсағасида сизгинди бўлиб яшаб нечоғлик оғир эканини айтиб, кўмак сўрайди. Бироқ у адолатли муносабат ҳам,



“яхши кунлар ҳали олдинда”, дея далда берадиган мартин ҳам топа олмади. Фақат сўнгги йиллардаги инсонпарвар сиёсат туфайли аёлнинг орзулари ушалди, неча йиллик уқубатлардан сўнг фарзанди билан хотиржам ҳаёт кечириши учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

“Қиз бола — бировнинг хасми”

Нилуфар Ярмадова зиёли оилада улғайди. Мактабни тамомлагач, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий rassomлик ва дизайн институтига ўқишга кирди. Беш йиллик тахсил давомида манзара, портрет, қулолчилик, миниатюра йўналишларини пухта ўрганиб, 2002 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. Лекин ўз мутахассислиги бўйича иш топишга қийналди. “Ўқишни тугатдинг, энди турмуш қуришинг керак.

Иш ҳам топилар, болам, ёшинг ўтиб кетмасин”, дея мунғайиб турган онасининг раъйига қарши боролмади.

Совчилар ва ота-она ризолиги билан турмушга чиқди. Аммо ҳаётда инсоннинг бегубор орзулари ҳар доним ҳам ўзинга йўлдош бўлмас экан. Балки шунинг учун ҳам бу дунёни бир кам дунё дейишар.

Тўйнинг илк кунлариданоқ бошланган қийинчиликлар, баъзида бир бурда нонга зор бўлганини узок вақт сир тутди. Қизалоғи дунёга келгач, қиз фарзанд кўргани учун камситишларини, тўқин хонадон эгаси бўлган қайнонасининг инжиқликларини эзининг бепарволигини тақдирнинг бир синовини, дея қабул қилишга уринди. Муқаддас ришталар билан боғланган никоҳини сақлаб қолиш учун босиқлик билан иш кўрди, умид билан кутди. Бироқ қайнонасининг ўғил фарзанд туғиб берадиган келин олиш пайига тушганини ошкора айтишга, турмуш ўртоғининг эса онасига хайрихоҳ бўлганига чидай

олмади. Меҳрсизлик, эътиборсизлик ва қўнглини яраловчи воқеалардан сўнг ноилож ота уйига қайтди.

“Чиққан қиз — чиғирикдан ташқари”

Чақалоғи билан ота уйига қайтиб келган Нилуфар бу ерда ҳам аввалгидек хотиржам яшай олмади. Ота-онаси қанчалик қўллаб-қувватламасин, барибир “Чиққан қиз — чиғирикдан ташқари” деган гап уни таъқиб қилаверди. Укалари ва келинларининг тинчлигини, ота-онасининг ҳаловатини ўйлаб, ижара уйга қайиб кетди. Шу тариқа деярли 20 йил ижарада яшадди. Қизалоғини гоҳ ёлғиз қолдириб, гоҳ ёнида олиб юриб, туну кун расмлар чизди. Фарзандини ўғай отага қарам қилмаслик учун қайта турмуш кўрмади.

Ёзининг жазирамасию кишининг қаҳратонида тонг сахардан оғир сопол идишлар солинган сумкани орқалаб, бозор ва ижара уйлар орасидаги йўлларда умри ўта бошлади. Биров портретини чиздирса, бошқаси турли буюмларга нақш солиб беришни илтимос қиларди. Шу тариқа йиллар давомида Янгийўлдан Чорсу бозорига қатнаб тирикчилик қилди. Бугунги ислохотлар менга жуда кўп имконият берди. Натижада меҳнатимга яраша муносиб баҳо топдим. 2024 йилда тақдим этилган хонадон калитини қўлимга олганимда, нафақат ўзимнинг, балки қизимнинг ҳам кўзидан шашқатор ёш оқди, — дейди Нилуфар. — Бу қўз ёшлар шукроналикдан эди. Энди ҳақ ким эшик тақиллатиб, ижара пулини сўрамайди ёки уйни бўшатинг, дея оромимизни бузмайди. Бугун қизим — талаба, мен унинг бахтиёр яшашига ишонаман.

Истиқболли ислохотлар самараси

Нилуфар Ярмадова 2019 йилда Янгийўл шаҳри ҳокимлиги томонидан “Аёллар

дафтери”га рўйхатга олинди. Бир оз ўтиб, “Халқ банки” унга имтиёзли кредит ажратди. Бу кўмак аёлнинг қулолчилик буюмларига тасвирий санъат асарларини чизиб, мижозларга етказиб беришда асосий дастак бўлди. Шундан сўнг янада катта шижоат билан ишлади. Бир кунда юзлаб қулолчилик буюмларига тасвирий санъат асарларини чизиб, мижозларга етказиб берди. 2021 йилда банкдан олган кредитини тўлиқ тўлаб, даромаддини кўпайтиришга эришди.

Қисқа муддатда у АҚШ, Франция, Буюк Британия, Туркия, Россия, Эрон, Ҳиндистон, Тожикистон, Қозоғистон каби ўндан зиёд давлатда кўргазмалари билан иштирок этди. 2021 йилда Тошкент вилоятида ўтказилган “Энг илгор тадбиркор аёл” номинациясида қатнашиб, Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёлғиз ва тижорат банкининг имтиёзли микромолиявий хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланди. Айнан ўша йили “Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси” кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллади. 2022 йилда Нилуфарнинг меҳнатлари эътироф этилиб, номи Янгийўл шаҳри тарихига киритилди. Ўша йили “Йил аёли — 2022” кўрик-танловининг республика босқичида ҳам фахрли биринчи ўринга мушарраф бўлди.

“Янги Ўзбекистон ифори”

Тасвирий ва амалий санъатта ошуфталик аслида Нилуфарнинг қонида бор. Отаси Карим Ярматов ҳам машҳур ҳайкалтарош. 104 ёшида вафот этган бувиси эса 95 ёшига қадар кашталар тикиб, қуроқлар қураб, гиламлар тўқиган. Шунинг учун бўлса керак, Нилуфарнинг ҳар бир чизгисиди ҳаёт нафаси уфуриб туради.

Сўхбатимиз сўнггида у кўзлари қувончга тўлиб, “Янги Ўзбекистон ифори” деб номланган кўргазмасини ташкил этиш ниятида эканини айтди.

Мамлакатимизда яратилаётган имкониятлар аёлларнинг қаддини тиклаб, қадрини улуғлаётганининг ёрқин исботи. Бу эса келажакимизга бефарб бўлмаган ҳар бир инсон қалбига эртанги кундан розилик ҳиссини бағишлайди.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Чекланган аудиторияларда ўтадиган сийқа тадбирлар, академик доиралар учунгина тушунарли бўлган илмий мақолалар билан чекланиш бугун етарли эмас. Шу сабаб зиёлилар оммага тушунарли, содда, аммо теран услубда сўз юритиши, таҳлилларини кенг аудитория учун тушунарли тилда ифодалашни лозим. Зеро, жамият онгини тарбиялаш, аввало, ўқиш маданиятини тўғри йўлга қўйишдир. Бу вазифани эса чин маънодаги зиёлилар бажара олади.



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Ха, сал ўтмай бошқа бир фикр қуши бошимга қўниб, гўзал хонишини бошлаб юборган — менинг дадам ҳеч қачон бу ишни қилмайдди. Ахир доим ўзи менга китоблар олиб беради-ку деган гўр мағрурланиш эди бу. Бироқ... Бир кунни ўқиган бир-икки китоби билан ўртоқларига мақтанишни хуш кўрадиган бўзбола — мен жавонда кўзим тушган энг қалин китоблардан бири — Стендалнинг “Кизил ва қора”сини қўлтиққа қистирганча кўрадан қўйларни чиқариб, эндигина дала томон ҳайдаб кетаётгандим ҳам-ки, ўз юмушлари билан машғул бўлиб турган дадам кутилмаганда қўлимдаги китобни таниб қолди шекилли, мени тўхтатди. Хуллас, “Кизил ва қора”ни олиб қолиб, ўрнига Жюль Вернинг қай бир асарини тутқазиб юборганини эдимда.

Кейинчалик ҳар икки ёзувчи сеvimли адабларимга айланган. Болалик хотирамдаги узук-юлук маълумотни ҳам энди аслича биламан: Ҳазрат Алишер Навоий мактабда ўқиб юрган кезлари қўлига тушган бир китобга тамоман мафтун бўлиб, бу сеҳрли асар мурғак ҳаёлотини бутунлай ўзига ром этади. Дарс пайтидаги ҳаёланлик, паршихотирлиқни пайқаган сабоқдошлари бу ҳақда ота-онасини хабардор қилгач, Ёисиддин Кичкина ўғлининг аҳоли руҳиясидан хавотирга тушиб, китобни яшириб қўяди. Бироқ бу ҳаракат бенаф бўлиб, Алишер китобни аллақачон хотирасига муҳрагланди. Мазкур китоб Шарқнинг буюк алломаси, мутафаккир Фаридулдин Атторнинг “Манتيқ утайр” асари эди. Ушбу улугвор асар мутлоасига тўтинганамда мен аллақачон ўн тўққиз ёшда, университет талабаси эдим. Ундаги ҳикмат сувлари шуурим қирғоқларини ювиб ўтганида топган ҳайратимни бошқа ҳеч замон ҳис қилмаганимни ҳам айтиб ўтмасам бўлмас. Шундагина Ёисиддин Кичкина дилбандига нисбатан тутган тадбир нечоғлиқ тўғри эканини тушунгандек бўлгандим. Шу тахлит дадамнинг ҳам ўша кунги ҳаракатидан ўзим учун манتيқ топганман.

Аслида, бу хотираларни бекиз ёлга олаётганим йўқ. Бир пайтлар бизга дарс тайёрлатган акамнинг фарзандлари ҳозир бошлангич синфда таҳсил олади. Ҳар сафар улар учун китоб хариб қилар эканман, қатор расталардаги юз хил мазмуну суратга эга сохтаю ҳақиқийи аралашиб ётган “жавоҳирлар” орасида бошим айланади, қай бири жиянларимнинг ёшига, тайёрлик даражасига мос экани, тарбияси, маънавий дунёсига қандай таъсир қилиши ҳақида ўйлайман. Шу маънода, бутун миллат ўғли-қизларни қандай китоблар ўқияпти, улар қандай мезонлар асосида сараланишни керак, умуман, глобал дунёда китобнинг, адабиёт ва санъатнинг ўрни қандай деган саволлар, юртимизда бу борада қилинаётган ва қилиниши лозим бўлган ишлар, уларнинг жамиятимиздаги акс садои, натижаларини мен каби сизларни ҳам қизиқтирмай қолмас, албатта.

Ким нима ўқияпти?

Ҳозир китобхонлик жараёни мураккаб маданий контекстда шаклланимоқда. Ахборот ҳақдан ташқари қўпчилиги, контент истеъмоли тезлашуви ва диққатнинг фрагментлашуви фониди ёш авлоднинг ўқишга муносабати янги шакллар касб этапти. Бундай шaroитда китоб танлаш мезонлари ҳақида гап кетар экан, биринчи навбатда, унинг ахлоқий, эстетик ва интеллектуал қийматини инобатга олиш мумкин. Ҳар қандай матн онга қайсидир даражада таъсир қилади. Шу боис, китоб танлашда биринчи галда матннинг ғовий асослари — инсонпарварлик, адолат, ахлоқий поклик, тафаккур мустақиллиги каби қадриятларга содиқлиги мезон қилиб олинishi керак.

Миллат ёшларининг бугунги китоб танлови бир томондан ижобий ҳаракатларини — шахсини ривожлантириш, янги билимларни

қапламлар, мураккаб ғоя ва рамзлар, фалсафий тафаккур талаб қилувчи асарларни кенг омма унчалик фaол ўқимайди. Бундай асарлар кенг тарқалмаслигига сабаблардан бири сифатида ўқувчилар орасида аналитик ўқиш қўнимаси етарли даражада шаклланмаганини кўрсатиш мумкин. Бу, ўз навбатида, таълим тизимидаги методик ёндашув, танқидий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган дастурлар самардорлиги билан боғлиқ масалаларни ўртага қиради. Мингдан ортиқ электрон ва аудио асарни ўзига жамлаган “Мутлола” платформаси, шунингдек, жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этишга хизмат қилаётган “Ёшлар учун 1000 китоб” лойиҳаси, “Ёш китобхон”, “Китобхон мактаб”, “Китобхон оила” каби танлов ва ташаббуслар айни жабҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан дарек беради. Айниқса, ёшлар орасида бу каби лойиҳалар кенг ёйилиб, мутлола ва китобхонлик-ка қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

— 2017 йил 30 июнь кунин давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашувида мен ҳам

эътироф этган эди. Албатта, бу каби фикрлар кишида фахр ва гурур туйғулари билан бир қаторда шунга муносиблик масъулиятини ҳам оширади.

Шунингдек, диний-маърифий ва руҳий-ахлоқий мазмундаги китобларга ҳам муайян даражада эҳтиёж борлиги маълум. Бу тоифа асарларни асосан ҳаётида руҳий изланишга тушган, маънавий асос ахтарётган ўқувчилар мутлола қилади. Уларга қизиқиш қўпинча оғзаки тавсиялар, турли блоглар ва ижтимоий тармоқдаги машҳур шахслар таъсири орқали шаклланади. Бу ўринда мазмуннинг тарихий ва илмий асосга эга бўлиши, тил ва изоҳлар даражаси, тушунарли ва аниққўллик ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда, диний матнлар нотўғри талқин этилиши, юзакли тушунилиши мумкин.

Касбий йўналишдаги илмий-оммабоп адабиётлар, яъни техника, тиббиёт, АТ, икти-содиёт ва бошқа соҳаларга оид китоблар эса асосан олий таълим муассасалари талабаларининг мутлола доирасига қиради. Бу ерда китоб танлаш мақсадга йўналтирилган: билимни



ЗИЁ ВА ЗИЁН ЧЕГАРАСИДАГИ ТАНЛОВ ЁХУД КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ ХУСУСИДАГИ ЎЙЛАР



иштирок этгандим. Ўша кунни Президентимиз “Ғолибига машина совға қилинадиган танлов эълон қиламиз”, деган ташаббусни илгари сургач, қўп ўтмай “Ёш китобхон” танловига старт берилди. 2022 йили мазкур танловнинг республика босқичида 1-ўринни эгалладим, — дейди “Ёш китобхон” танлови ғолиби, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби Ерқижон Ҳайитбоев. — Бугун юртимизда китобхонлик маданияти давлат эътибори марказида. Биргина “Ёш китобхон”да 6 миллионга яқин ўзбек ўғил-қизлари иштирок этгани, “Мутлола”, “1000 китоб” каби лойиҳалар ҳам маърифатли, Учинчи Ренессанс бунёдкорлари сифатида шаклланишимизда муҳим аҳамият касб этган. Озарбайжонда ўтказилган халқаро форумда иштирок этганимизда туркий тили давлатлардан келган тенгдошларимиз китобхонлик маданияти бора-сида сўз юрита турди, “Ўзбекистонда ғолибига автомобиль бериладиган китобхонлик танлови ҳақида биз ҳам эшитганимиз, қийил”, дея

чўқурлаштириш, амалий малакани ошириш, касбий эҳтиёжни қондириш. Китоблар аксарият ҳолларда дарслик ёки қўлланма шаклида бўлади, лекин баъзи ҳолларда илмий-оммабоп шаклдаги жаҳон адабиётларига мурожаат қилинади. Бу ҳолатда тил масаласи асосан, чет тилидаги манбаларни ўқиш салоҳияти ҳам етакчи омил бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, мазкур турдаги асарларнинг ўзбек тилидаги таржимаси ҳам анча қўпайган, китоб расталарида кенг ўрин эгаллапти.

Боланинг қиймати ўқиган китоблари билан ўлчансин

Мутлола учун китоб танлаш ички мезон, дид, савия, қарор ва ўзини англаш ифодаси ўлароқ бир кунда шаклланиб қоладиган жараён эмас. Чинакам зиёли жамият шаклланиши учун эса бу борада энг муҳим омил кишиларга ушбу қўнимчаларни болалиқдан оқ сингдириб боришдир. Фарзанд тарбиясига китоб орқали таъсир этиш, бу борада ота-онанинг ўрнатқ сифатидаги ўрни, мактаб, маҳалла каби тузилмаларнинг масъулияти ҳақида ҳам қўп ва ҳўб айтилган, ёзилган. Ушбу ўринда масаланинг бошқа томони — креатив метод ва технологияларнинг бугунги авлоди мутлолага жалб этишдаги аҳамияти бора-сида фикр юритмоқчимиз. Зеро, ўқиш одати инсон қалбиди бирдан пайдо бўлмайди. Бу эҳтиёж, аввало, муҳаббат билан уйғотилади. Шунинг учун ҳам бугунги дунёда болани китобга ошно қилишда сарту-зашт, ҳайрат ва завқ уйғотишга алоҳида аҳамият берилди.

Бола бутун ҳамма нарсани экранда кўради, эшитидаи, ўзига таниш тилда, ўзига яқин оҳангда сўзлайдиган матнга эҳтиёж сезади. Бу эса анъанавий китобдан ташқари замонавий муқобили форматларнинг таъсир доирасига эга бўлишини тақозо этади. Масалан, аудиокитоблар болани ҳали ўқий олмасдан туриб ҳам тинглаб тасаввур қилишга ўргатади. Бу унинг онгига товуш билан боғлиқ образлар, сўз оҳанги билан уйғун тасвирлар дунёсини яратди. Бола учун товуш орқали кирган сўз қўпинча матнда ўқилганидан кўра жонлироқ бўлади. Интерактив китоблар эса матнга тегишни, унга жабо бериш, ундаги персонажлар билан мулоқот қилиш имконини беради. Бу тажрибага айланган мутлола шаклидир. Бола саҳифадаги воқеа ичига қиради. Ўз танлови билан ҳикояни ўзгатириши, воқеани олдинга суриши мумкин.

Яна бир муҳим шакл гамификациялашган ўқиш, яъни ўйин орқали ўқиш методи бўлиб, бугунги боланинг ўрганиш алгоритмига тўғри келади. У ҳаракат орқали фикрлайди, жабо олади, ютуқ ва рағбат қутади. Шундай шaroитда, масалан, электрон иловалар орқали “китоб ичига ўйин” принципи асосида болани бир ҳикояни босқичма-босқич очишга ундаш мутлола одатининг замонавий қўринишидир. У шунчаки ўқимайди — топади, излайди, оқади, англайди. Шунингдек, визуал ва тинглаб идрок этиш усуллари орқали бола аста-секин матнини тўғри тушунишни ўрганади. Муҳими шуки, бу

усуллар мақсад эмас, воситадир. Ёъни аудио-китоб, комикс, интерактив ҳикоя — буларнинг ҳеч бири адабиётнинг ўрнини боса олмайди. Лекин улар болани ўша адабиёт сари олиб боради. Бу эса ўқувчидаги мутлола маданияти ривожланишининг дастлабки босқичи.

Дунё амалиётига назар солсак, қўплаб муваффақиятли тажрибалар мавжуд. Уларнинг аксариятида болалар онгини чўқур ўрганиш, уларни экрандан бутунлай йироқлаштириш ўрнига рақамли технологияларни китобга йўналтирувчи восита сифатида ишлатиш йўли танланган. Жумладан, АҚШнинг рақамли платформалар орқали интерактив ўқиш тажрибасини ривожлантиришга қаратилган амалиёти бу борадаги самарали механизмлардан бири сифатида қайд этилади. Мактабгача ва бошлангич таълим ёшдаги болалар учун ишлаб чиқилган “Еpic!” платформаси бир неча миллион фойдаланувчига эга бўлиб, илова орқали болалар ўз ёшига ва қизиқишига мос интерактив китобларни топиши, аудиокитоблар, видеоўқиш ва интерактив матнлар билан ишлаши мумкин. Педагоглар эса ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини кузатиб боради. Иловада “gamification”, яъни ўйин элементларидан фойдаланиш усули қўлланган, ҳар бир ўқилган китоб учун бола юлдузча ёки махсус нишон (badge) олади. Бу ўқувчини рағбатлантиради, айниқса, ўқишга қизиқмайдиганлар учун самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Жанубий Корея ҳам болалар адабиётини рақамлаштиришда илгор технологияларни фaол қўллайди. Масалан, “Интерактив расмли китоблар” (“Interactive Picture Books”) лойиҳасида болалар махсус AR технологияси билан бойитилган китобларни планшет ёки телефон орқали сканер қилганда китобдаги персонажлар жонлибди, сахна ҳаракатга келганини кузатиши мумкин. Улар овоз чиқаради, ҳатто болага асосан бериши ҳам мумкин. Шубҳасиз, бундай ёндашув боланинг тасаввурини кенгайтириш, воқеани идрок қилиш даражасини оширади ва энг муҳими, китобни жонли тажриба сифатида қабул қилишга ўргатади.

Келгусида мана шундай лойиҳаларни ишлаб чиқариб, юртимизда ҳам кенг тарғиб қилиш, албатта, самара беради. Бунинг учун эса ўқувчилар қатлами ҳам шунга тайёр бўлиши, график матнлар билан ишлаш қўниммаси аста-секин бўлса-да, шакллантирилиши зарур.

Ҳа, айни кунга келиб, муқова, дизайн ва сифат жиҳатидан оригиналликка интилиш, умуман, китобни китобхонни ўзига жалб эта оладиган қўринишда чоп этиш борасида олға силжиш яққол кўзга ташланади. Айниқса, болалар учун мўлжалланган китоблар саҳифаси орасига матн мазмунига мос турли суратларни жойлаш амалиёти мавжуд. Бироқ ҳали бизда графика матн билан бир хил даражада маъно ташийдиган, тўғридан тўғри асар мазмунини ташкил этадиган китоблар йўқ эди ҳисоб. Исомиддин Эшонқулов қаламига мансуб ўзбек адабиётдаги илк график роман дейилаётган асар — “Оруллар битиги” номли китоб “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан чоп этилаётгани ҳақидаги хабар шахсан менда ушбу йўналиш ривожига борасида неқибни умидлар уйғотди. Зотан, ёзувчи-шоирларимизнинг замон талабларига ҳамроҳанг равишда бадий экспериментлардан кўрмай, шу каби янгилликларга қўл уриши бу борада, албатта, муҳим. Қисқача айтганда, Ўзбекистон шaroитида ҳам юқорида санаб ўтилган чет эл тажрибаларини маҳаллийлаштириш, масалан, ўзбек эртаклари асосида AR иловалар яратиш, болалар кутубхоналарини рақамлаштириш ёки мактабда интерактив ўқиш иловаларини жорий қилиш орқали қўтилган натижаларга эришиш мумкин.

Чекланган аудитория билан чекланиб қолмайлик

Адабий дид шаклланиши, аввало, тарбиявий муҳит ва мулоқотга очик, фaол маданий танқид билан боғлиқ. Тарбиявий муҳит ҳали тафаккурининг негизларини шакллантираётган

паллада ўқувчининг ёнида йўл кўрсатувчи, билим билан бирга йўналиш ҳам берувчи устозлар борлигини англайди. Ҳар бир ёш ўз ўқув доирасига эга. Шу сабабли мактабда болага фақат “қўп ўқиш керак”, деб эмас, “нимани ўқиш керак” ва “нимага ҳали эрта” эканини аниқлаш зарур. Бундай ёндашув тушуниш ва ҳазм қилиш орасидаги чегарани белгилайди. Айнан болаликда, илк ўқиш одатлари пайдо бўлаётганда нотўғри танланган асарлар бола руҳиятига шикаст етказиши мумкин.

Бугун жамиятда оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва маркетинг босими остида ким нимани ўқиши кераклиги тўғрисидаги савол қўпинча алгоритмлар ва трендлар орқали ҳал қилинмоқда. Бундай ҳолатда интеллектуал қатлам — зиёлилар, танқидчилар ва олимлар ҳар бир ёш даври учун ижтимоий-ҳиссий, фалсафий ва эстетик эҳтиёжларга мос адабиётларни тавсия этиши ниҳоятда муҳим. Бу жараёнда адабий танқиднинг ўрни бекиёс бўлиб, асар билан ўқувчи орасидаги руҳий-интеллектуал кўприк сифатида эстетик кў-кўрона истеъмолга қарши иммунитет вазифасини бажаради.

Давримизнинг ана шундай уйғоқ зиёлиларидан бири, устоз таржомон, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг яқинда “Янги Ўзбекистон” газетаси (2025 йил 1 август, 156-сон)да китобхонлик маданиятига доир мақоласи эълон қилинди. Муаллиф фавқулодда ўзига хос, кенг қамровли мулоҳазалар билан ўртоқлашар экан, айрим камчиликларимизга ҳам кўзү тутди. Тарғиботнинг тадбирбозлиқдан фарқи борлигини, янгица йўللар, янгица ёндашувлар лозимлигини таъкидлаб, жумладан, бундай дейди: “Китобхонлик йнгилишида мактаб директори сўз айтиди, маънавиятчи маъруза қилади, меҳмон шоир шешр ўқийди...”

...Ҳамма ерда мана шу схема урф бўлган ва китобхонлик шу билан тугайди. Ҳамма елкасидан бу вазифа соқит бўлганидан енгил тортади. Кўпдан кўп тақдиротлар эса (китобхонлик анжуманларида энг қўп учрайдиган йнгилиш тури) янги чиққан китоб ҳали тарқалиб улгурмай, эллик-юзта китоб ишқибози ҳам ўқиб ёки қўлида салмоқлаб кўрмай, мутлақо тайёргарликсиз ўтказилаверади. Оти — тақдирот! Албатта, бундай ҳўжакурсинга қилинган тақдиротларнинг фойдаси жуда о! Янги китобнинг ичига кириб улгурмайсиз. Жуда юзак, қоникарсиз таассуротлар сизни узок вақт тарс этмайди. Совиган ҳафсала билан норас.”

Демак, чекланган аудиторияларда ўтадиган сийқа тадбирлар, академик доиралар учунгина тушунарли бўлган илмий мақолалар билан чекланиш бугун етарли эмас. Шу сабаб зиёлилар оммага тушунарли, содда, аммо теран услубда сўз юритиши, таҳлилларини кенг аудитория учун тушунарли тилда ифодалаш лозим. Зеро, жамият онгини тарбиялаш, аввало, ўқиш маданиятини тўғри йўлга қўйишдир. Бу вазифани эса чин маънодаги зиёлилар бажара олади.

Китоб танлаш мезонлари интеллектуал ва маънавий эҳтиёжлар асосида шаклланар экан, ҳар қандай китоб ўқувчининг ҳаётини аввало-рига жабо бериши ёки янгица саволлар уйғотиш керак. Танловда мазмун долзарблиги биринчи ўринда туради, яъни китоб бугунги кун муаммоларига, реал вазиятларга ёки шахсий изланишларга қандай жабо бера олади — шу масала ҳал қилувчи ҳисобланади. Ўқувчи ўзини ёши, билим даражаси, қизиқиш соҳаси ва ўқишдан кутаётган натижасини аниқ билиши шарт. Шу асосда айтиш мумкинки, ўқувчи қўлидаги ҳар бир китоб унинг дунёқарашини, савиясини ва эҳтиёжларини кўзгусидир. Китобни қандай танлаш фақат маданий одат эмас, балки онгли танловга айланиши керак бўлган маънавий-маърифий жараёндир. Айнан мана шу жойда ҳар бир ота-она, устоз, ношир, муаллиф ва таълим сиёсатини юритаётган тизим ўз зиммасидаги масъулиятни тўлиқ англаб етмоғи зарур.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компютер марказида саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.
34930 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусахҳис: Маллоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй